

Масъулняти чекланган жамият
шаклидаги «HOMBUR-AUDIT» аудиторлик ташкилоти

Манзил: Қарши шаҳри, Насаф куч. 19-уй. Тел. +99891-947-11-71

Банк: Қишлоқ қурилиш банк Қарши ш. Фил. МФО 00155, Х/р. 20208000604347269001 СТИР: 205192434.

Лицензия: Аудиторлик фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг
2019 йил 01 апрель куниндаги 00749-сонли лицензиясига эга.

Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСА СИ

Мен Жавлиев Шеркузи Мустафоевич Масъулняти чекланган жамият шаклидаги «HOMBUR-AUDIT» аудитор ташкилотининг аудитори (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2016-йил 11-июндаги №05393 сонли малака сертификатига эга) томонидан хўжалик юритувчи субъект «СЕМУРГ» инвестиция фонди акциядорлик жамиятининг Молиявий ҳисоботлари (Бухгалтерия баланси, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи)дан иборат.

31.12.2020 йил ҳолатидаги тузилган молиявий ҳисоботининг ишончилигини ихтиёрий аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «СЕМУРГ» инвестиция фонди акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви қўшимча аудиторлик ҳисобот давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект «СЕМУРГ» инвестиция фонди акциядорлик жамиятининг 2020 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖШ «HOMBUR-AUDIT»
аудиторлик ташкилоти директори:

Ш.Жавлиев.

30.04.2021 йил.

